

*Ибрагимова Ирода Рашид қизи*  
*Тошкент давлат иқтисодиёт университети “Аудит”*  
*кафедраси доценти, PhD*  
*Алимджанова Ойдин Нодировна*  
*Банк-молия академияси “Банк иши ва аудит”*  
*мутахасислиги магистранти*

## БАНКЛАРДА ҲИСОБНИ ХАЛҚАРО БУХГАЛТЕРИЯ ТИЗИМИГА МУВОФИҚЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

**Аннотация:** Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини халқаро талаблар асосида ташкил қилишни ривожлантириш бўйича жорий ҳолат ўрганилиб, уни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқлаштиришнинг йўллари, муаммо ва ечимлари кўриб чиқилган.

**Калит сўзлар:** банк, ҳисоб тизими, МҲХС, бухгалтерия маълумотлари, молиявий ҳисобот.

**Abstract:** In this article, the current situation in the development of accounting and organization of accounting work in the banks of the Republic of Uzbekistan was studied, ways, methods, advantages, problems and solutions of its alignment with international standards were considered.

**Key words:** accounting, IFRS, accounting information, financial statements.

**Аннотация:** В данной статье изучено современное положение дел в развитии бухгалтерского учета и организации учетной работы в банках Республики Узбекистан, рассмотрены пути, методы, преимущества, проблемы и решения его приведения в соответствие с международными стандартами.

**Ключевые слова:** бухгалтерский учет, МСФО, бухгалтерская информация, финансовая отчетность.

**КИРИШ.** Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонунига мувофиқ банк тизимида бухгалтерия ҳисоби барча хўжалик операцияларини узлуксиз ва ҳужжатли қайд этиш орқали бухгалтерия маълумотларини тўплаш, ҳисобга олиш ва умумлаштириш, шунингдек, молиявий ҳисоботларни шакллантиришнинг тартибли тизимидир. Тижорат банкларида ҳисоб тизими молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мос равишда ташкил қилинади ва уларни юритиш жараёнида халқаро тажрибадан кенг фойдаланадилар. Бунда банк учун мўлжалланган ҳисоб тизими, сўтлар режаси ва молиявий ҳисобот шакллари асосида бухгалтерия ҳисоби камида иккита бухгалтерия ҳисобварағида бир вақтнинг ўзида ва ўзаро боғлиқ ҳолда пул кўринишидаги хўжалик операцияларини ҳисобга олиш йўли билан икки ёқлама ёзувлар орқали амалга оширилади.

Икки ёқлама ёзув усули бухгалтерия ҳисобининг методининг элементларидан бири бўлиб, унда содир бўлган операциялар сўтларда акс эттириш жараёнида камида иккита сўтда уларнинг дебети ва кредитида бир хил суммада акс эттирилади. Банкларда сўтларда акс эттириш жараёнида уларнинг сўтларида дебет ва кредит қисмларида бир хил суммада акс эттирилади. Бунда сўтларнинг гуруҳланишига алоҳида эътибор берилиши керак.

Бухгалтерия маълумотлари - бу бирламчи бухгалтерия ҳужжатларига асосланган бухгалтерия ҳисоби субъектлари тўғрисидаги қайта ишланган маълумотлар. Бухгалтерия ҳисобининг асосий тамойиллари узлуксизлик, ишонччилик ва таққослашдир.

**АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ.** Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида ҳисоб тизимини юритиш ва унинг натижаси бўлган консолидациялашган молиявий ҳисобот шакллари молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида амалга оширилади, бунда ҳисоб ва ҳисобот тизими МҲХСга мос равишда юритилади ва ушбу жараёнда дунё амалиётида қўлланилаётган халқаро ҳисоб стандартларини жорий этиш тажрибасидан кенг фойдаланадилар. Асосий масала банк тизимини чет эллик инвесторлар тушунадиган ва улар ўқий оладиган тилда тақдим этилиши лозим. Бунда асосий масала тижорат банклари учун мўлжалланган ҳисоб тизими ва ҳисоб сиёсати,

счётлар режаси ва консолидациялашган молиявий ҳисобот шакллари асосида ахборотлар ташқи маълумот фойдаланувчилари учун тақдим қилинади. Бунда халқаро талабларга мос равишда бухгалтерия ҳисоби операциялари бўйича проводкаларда ёрдамида камида иккита бухгалтерия ҳисобварағида бир вақтнинг ўзида ва ўзаро боғлиқ ҳолда пул кўринишидаги хўжалик операцияларини акс эттириш амалга оширилади. Банк тизимида бухгалтерия ҳисобини юритиш тизимига доир кўплаб иқтисодчи-олимлар томонидан изланишлар олиб борилган. Шу жумладан Россиялик иқтисодчи-олим А.С.Алисенов томонидан шундай фикр билдирилган: “Ривожланаётган жаҳон иқтисодиётини глобализацияси шароитида молиявий ҳисоботларни тузишнинг ягона тили асосида ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларни шакллантириш зарурияти пайдо бўлади, бунда ҳамма тушунадиган ва дунё бизнесманлари ўқий оладиган ва тушунадиган тилда тақдим этилиши зарурияти пайдо бўлади. Россия жаҳон иқтисодиётининг бир қисми ҳисобланади. Шу сабабли халқаро интеграциялашуви учун албатта умумий ҳамма тушунадиган молиявий ҳисоботни тақдим этиши лозим.”<sup>1</sup>. Демак ушбу муаллифларнинг фикрига кўра ягона тил бўлган бизнес ва ҳисоботларни тушунишга ёрдам берадиган масала бу молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ҳисобланади. Шу сабабли унга асосан банкларнинг ҳисоб тизими ва молиявий ҳисоботларини умумий тушуниш имконияти яратилади. Бундан ташқари ушбу масалада иқтисодчи-олимлар Бабаев Ю. А., Петров А.М. томонидан молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини қўллаш масаласида куйидагича фикр билдирганлар: “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бухгалтерия ҳисоботини тузиш учун халқаро тамойиллар тизими асосида тақдим этиш учун замин яратади. Чуник ушбу стандартлар кўплаб давлатлар томонидан молиявий ҳисоботларни тузиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

МХХС куйидаги ҳужжатлар мажмуасини акс эттиради:

\*МХХС ҳолатига сўз боши;

\*молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш тамойиллари;

\*стандартлар ва уларга изоҳ ҳамда тушунтиришлар”<sup>2</sup>.

Алисенов А.С.нинг(2018) фикрича “бухгалтерия ҳисоби ҳозирги кунда анчагина халқаро стандартларга яқинлаштирилган ва бунинг учун бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот тизими халқаро талаблар асосида юритишни амалга ошириш йўлга қўйилганлигини кўришимиз мумкин”<sup>3</sup>.

Ибрагимов А., Умаров З.А., Ҳотамов К.Р., Ризаев Н.Қ. ларнинг (2020) фикрига кўра “Маълумки, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МХХС) ҳар доим ҳам республикамиз ҳисоб ва ҳисоботида ислохатларни амалга оширишда асосий инструмент сифатида қараб келинган. Ахборотнинг фойдали тавсифига эришиш учун ёки бевосита МХХС тамойилларини жорий қилинади ёки миллий бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот тизимини куришда асос сифатида қабул қилинади.”<sup>4</sup>

Демак молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларининг асосий мақсади дунёда барча мамлакатларнинг молиявий ҳисоботларининг энг яхши жиҳатларини инобатга олган ҳолда, уларни такомиллаштириб ҳамма учун мақбул бўлган молиявий ҳисоботларнинг умум фойдаланиш учун қулай бўлган тизимини яратиш ва амалиётга жорий қилиш йўллари ишлаб чиқишдан иборатдир.

Бундан ташқари МХХС амалиётга жорий этилиши хорижий инвесторлар учун керакли ва зарур бўлган ҳисобот ва молиявий ҳисобот маълумотлари билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларига чиқиш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, бухгалтерия ҳисоби соҳасида мутахассислар тайёрлаш учун молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш зарурлигини тушунтиради ва халқаро стандартларга мувофиқ аудит тайёрлашни ҳаётий заруратга айлантиради.

<sup>1</sup> Алисенов А.С. Международные стандарты финансовой отчетности. Учебник, М.:Издательство «Юрайт», 2018.-404с. С.25.

<sup>2</sup> Бабаев Ю. А., Петров А.М. Международные стандарты финансовой отчетности. Учебник, М.ИНФРА-М, 2017. -398с.

<sup>3</sup> Алисенов А.С. Международные стандарты финансовой отчетности. Учебник и практикум. М.:Юрайт. 2018. -404с.

<sup>4</sup> Тижорат банкларида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари:Дарслик. /А.К.Ибрагимов, З.А.Умаров, К.Р.Ҳотамов, Н.Қ.Ризаев. –Т.: «Iqtisod-Moliya». 2020.-560б.

**ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ.** Ушбу мақолани ёзиш жараёнида ва амалий маълумотларни таҳлилий жиҳатларини белгилаш жараёнида диалектик материализм ва тизимли ва комплекс ёндашув, умум қабул қилинган усуллар: индукция ва дедукция, таҳлил ва синтез, кузатиш ва мантиқий ёндашув каби методлардан ушбу ишни ёзишда кенг фойдаланилди. Ушбу ишни ёзиш жараёнида биз томонимиздан Ўзбекистон ва бошқа ривожланган мамлакатларда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий этиш ва унинг асосида молиявий ҳисоботларни шакллантиришдаги молиявий-иқтисодий муносабатларни тизимли ўрганилди, аудит ва халқаро стандартларни қўллаш жараёнида таҳлилий амаллардан фойдаланиш асосида халқаро стандартларни жорий этиш борасидаги бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботни такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

**ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР.**

Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонунининг Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини тартибга солиш номли 9-моддасида банклар ва бошқа кредит ташкилотларининг бухгалтерия ҳисоби ҳамда ҳисоботини тартибга солиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилиши белгиланган.

Ҳозирги вақтда МҲХС дунёнинг аксарият мамлакатларида миллий молиявий ҳисобот талаблари учун асос сифатида тан олинган. Шундай экан, айнан халқаро стандартлар қиёсий молиявий ҳисоботларни тайёрлаш имконини беради. Айниқса тижорат банкларида молиявий ҳисоботларни халқаро стандартларини қўллаш жараёнида қуйидаги стандартларга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

**1-жадвал**

**БАНК ТИЗИМИДАГИ МҲХС ҚЎЛЛАНИШИДГИ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ ТАҲЛИЛИ**

| №  | МҲХСни хусусиятига жиҳатлари  | банк боғлиқ | МҲХС тартиб рақами ва МҲХС номлари  |
|----|-------------------------------|-------------|---|
| 1. | <b>Молиявий инструментлар</b> |             | IFRS 2 Акцияга асосланган тўлов;<br>IFRS 7 Молиявий инструментлар, маълумотларни ёритиб бериш;<br>IFRS 9 Молиявий инструментлар;<br>IAS 32 Молиявий инструментлар: тақдим этиш;<br>IAS 33 Бир акцияга тўғри келадиган фойда;<br>IAS 39 Молиявий инструментлар: тан олиш ва баҳолаш. |
| 2. | <b>Активлар</b>               |             | IAS 2 Заҳиралар;<br>IAS 16 Асосий воситалар;<br>IAS 38 Номоддий активлар;<br>IAS 41 Қишлоқ хўжалиги.  |
| 3. | <b>Молиявий ҳисоботлар</b>    |             | IAS 0 Молиявий ҳисоботнинг концептуал асослари;<br>IAS 1 Молиявий ҳисоботни тақдим қилиш;<br>IAS 27 Алоҳида молиявий ҳисоботлар;<br>IAS 29 Гиперинфляция иқтисодиётида молиявий ҳисоботлар;<br>IAS 34 Оралиқ молиявий ҳисоботлар;<br>IFRS 10 Консолидациялашган молиявий ҳисобот;   |

Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики тижорат банкларида ўзига хос хусусияти молиявий инструментларни ҳисобга олиш жараёни ҳисобланади. Чунки улар алоҳида молиявий инструментлар , консолидациялашган молиявий ҳисоботлар, бир акцияга тўғри келадиган фойда каби жиҳатларини ҳисобга олиш лозим.

Демак тижорат банкларида ҳисоб тизимини ислоҳ қилишдан мақсад миллий ҳисоб тизимини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва бозор иқтисодиёти талабларига мувофиқлаштиришдан иборат. Банкларда қўлланиладиган молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари - бу уларни қўллайдиган дунёнинг барча мамлакатлари ва минтақаларида молиявий маълумотларни уйғунлаштириш ва стандартлаштириш учун Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари кенгаши томонидан чиқарилган стандартлар ва талқинларни банк тизимига жорий этиш натижасида банкларнинг фаолиятига баҳо бериш жараёнида дунёда қабул қилинган талабларга мос равишда ҳисоб тизимини ташкил этиш ҳисобланади.

Банк тизимидаги молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС) бутун дунё бўйлаб молия институтлари томонидан молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун молиявий ва ҳўжалик операцияларини тан олиш, баҳолаш ва ошкор қилиш учун умумий қабул қилинган қоидалардир. МҲХС маслаҳат характерига ега ва давлатлар улардан фойдаланиш тўғрисида мустақил равишда қарор қабул қилишлари мумкин. Шу билан биргаликда Ўзбекистон Республикасидаги барча тижорат банклари ва Марказий банк томонидан ўз ҳисоботларини МҲХС бўйича тайёрлаганлиги сабабли банк тизимининг жаҳон бозорига тезроқ чиқиши имконияти янада кенгаймоқда ва уларни ҳисоботларини хорижий ҳамкорлар томонидан тан олиниши жараёни тезлашади.

Ўзбекистон Республикасининг бозор иқтисодиётини ривожлантириш талабларидан келиб чиққан ҳолда халқаро амалиётда қабул қилинган Бухгалтерия ҳисоби ва статистика тизимига ўтиш бўйича Давлат дастурининг қабул қилиниши бу борадаги дастлабки қадам бўлди. Давлат дастури алоҳида босқичдан бошлаб, барча даражадаги, аввало корхонада, сўнгра тармоқ ва давлат даражасида, айниқса тижорат банкларининг фаолиятига адекват баҳо беришни шакллантириш имконини берадиган ягона услубий асосга асосланиши керак. Олинган кўрсаткичларни бошқа мамлакатларда қўлланиладиган банк тизимидаги ўхшаш рақамлар билан солиштириш керак. Иқтисодиётнинг бундай шаффофлиги мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувига хизмат қилади. Тижорат банклари ёрдамида чет эл инвестициясини жалб қилиш имонияти ошади ва улар учун янада қулай шароитлар яратилади.

Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик рискининг кучайиши шароитида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини шаффоф ҳисобот беришнинг асоси сифатида эътироф этиш, биринчи навбатда, хорижий инвесторлар билан муносабатларни яхшилаш, қўшма лойиҳалар сонини кўпайтириш учун хорижий капитални жалб қилади.

Давлат дастурида қуйидаги вазифалар белгиланган:

- давлат статистикаси ва бухгалтерия ҳисобининг умумий услубий асосларини кўриб чиқиш ва уни халқаро миқёсда қабул қилинган бухгалтерия ҳисоби ва статистика тизимига қиритиш;

- халқаро стандартларга, миллий макроиқтисодий кўрсаткичларга мослаштириш, Ўзбекистон Республикасининг Миллий бухгалтерия ҳисоби тизимини ташкил этиш, шу жумладан, миллий иқтисодиётда ҳисобни ривожлантириш.

Хорижий сармоядорлар иштирокидаги банк ва қўшма банклар ихтиёрий равишда хорижий инвесторлар учун молиявий ҳисоботларни тузишда МҲХСдан фойдаланадилар, бироқ бундай компаниялар бир вақтнинг ўзида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботни миллий стандартларга мувофиқ юритадилар. Буни амалга ошириш учун солиқ тизимини ислоҳ қилиш зарур, чунки солиқ тизими МҲХС бўйича ҳисоботларни тан олмайди.

МҲХС нинг аҳамияти шундаки, бозор иқтисодиёти шароитида яхлит коммуникацияни ривожлантириш учун жаҳоннинг барча мамлакатларидаги барча фойдаланувчилар учун молиявий ҳисоботларни тайёрлаш мақсадга мувофиқдир. Халқаро стандартлардан фойдаланиш бизнес ва умуман давлат учун янги имкониятлар яратади.

Банк тизимида МҲХС бўйича молиявий ҳисоботларни икки йўл билан олиш мумкин:

- миллий бухгалтерия ҳисоби талаблари асосида шаклланган кўрсаткичларни халқаро стандартларга трансформация қилиш ;



- миллий талаблар ва МҲХС (параллел ҳисоб) бўйича хўжалик операциялари, даромад ва харажатлар, активлар ва мажбуриятларни бир вақтда ҳисобга олиш.

Тижорат банклари тизимига халқаро стандартлардан фойдаланиш зарур. Молиявий ҳисобни халқаро стандартлар контекстида такомиллаштириш учун қуйидагилар зарур:

- иқтисодий ҳаётнинг айрим фактларини бирламчи ҳужжатлар билан расмийлаштиришга доир айрим норматив талабларни бекор қилиш ёки соддалаштириш.

-МҲХСни қўллаш бўйича малакали мутахассисларни тайёрлаш учун Халқаро бухгалтерия мактабини ташкил этиш. Буларнинг барчаси иқтисодиётимизни ривожлантириш, хорижий сармояни жалб этишда муҳим омил бўлмоқда.

Мамлакатимизда барча манфаатдор фойдаланувчиларнинг тадбиркорлик субъектларининг молиявий аҳволи тўғрисидаги қиёсий маълумотлардан фойдаланишини таъминлаш учун шароитлар яратилган. Бухгалтерия ҳисобини услубий таъминлаш молиявий бухгалтерия ҳисобини ташкил этишга, ташкилотнинг ўзи амалдаги қонунчилик ва профессионал тузилмалар тавсиялари доирасида ривожланиш стратегиясини ҳисобга олган ҳолда бошқарув ҳисоби моделини белгилашини таъминлашга қаратилган бўлиши керак. Агар амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг талаблари ва уларнинг услубий асослари иқтисодий ҳодисалар фактларини компаниянинг молиявий ҳолатига таъсири нуқтаи назаридан объектив баҳолашга имкон бермаса, уларни баҳолашда бошқа, кўпроқ адекват ёндашувлардан фойдаланиш керак.

#### **ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР**

МҲХС асосидаги бухгалтерия ҳисобини янада ислоҳ қилиш учун биз қуйидаги устуворликларни тавсия қиламиз:

- сўнгги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда МҲХСни қўллаш бўйича тайёргарлик ишлари;
- МҲХС асосидаги мавжуд тартибга солиш тизимини такомиллаштириш;
- банк тизими даражасида услубий ёрдамни (кўрсатмалар, кўрсатмалар, шарҳлар) ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- банк тизимини МҲХС биладиган мутахассислар билан таъминлаш, яъни бухгалтерлик касбини шакллантириш, бухгалтерия мутахассисларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;
- халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш;
- ахборотнинг шаффофлиги ва очиқлигини таъминлаш;
- молиявий ҳисоботга ишончни ошириш;
- бухгалтерия ҳисоби соҳасида халқаро концепцияни чуқурлаштириш;
- ташқи фойдаланувчилар учун талаб қилинадиган бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот стандартлари тизимини шакллантириш ҳамда инвесторлар ва кредиторлар учун рискларни камайтириш;
- МҲХС бўйича аудиторлар, бош бухгалтерлар, молиявий хизматлар менежерлари томонидан мажбурий сертификатлашни жорий этиш.

Юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда шуни таъкидлаш керакки, халқаро стандартларга мувофиқ ҳисобот бериш аллақачон кўплаб тижорат банкларида қўлланилмоқда. Бухгалтерия ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш ва молиявий ҳисоботларни МҲХСга мувофиқ тузиш уни тайёрлашда иштирок этувчи ходимларнинг меҳнатини сезиларли даражада осонлаштиради, шунингдек, тижорат банкларининг фаолиятини бошқариш имкониятларини кенгайтиради.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни, 2016 йил 13 апрел, ЎРҚ-404-сон. //www.lex.uz/ac/2931253
2. Asgeir B. Torfason, Cash flow accounting in banks – a study of practice. Bohus, Sweden, 2014, 320p.
3. Ибрагимов А.К. ва бошқ. Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари асосида банкларда бухгалтерия ҳисоби. Ўқув қўлланма. – Тошкент:2010. -272б.



4. Тижорат банкларида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари: Дарслик,/А.К.Ибрагимов, З.А.Умаров, К.Р.Хотамов, Н.К.Ризаев. –Тошкент:Иқтисодиёт ва молия, 2020. -560б.
5. Henry Dauderis David Annand , Introduction to financial accounting, Second edition, Canada, 2014, 792p.
6. <http://www.iasc.org.uk>- - Халқаро Бухгалтерия Стандартлари Қўмитаси